ТУРКИСТОН МАТБУОТИДА ПИЛЛАЧИЛИКНИНГ АҲВОЛИ, УНДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ВА МУАММОЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ

(XIX аср охири – XX аср бошлари)

С.Б.Шадманова, Н.О.Алимова

Мақолада ўзбек халқининг қадимдан анъанавий хўжалик тури бўлган ипакчилик хақида сўз боради. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда пилла етиштиришда юз берган ўзгаришлар ва муаммолар даврий матбуот асосида таҳлил этилган.

***Калит сўзлар:** ипакчилик, матбуот, иқтисодиёт, қурт уруғи, пилла, ташқи ва ички савдо.*

В данной статье речь идёт о традиционном виде хозяйства узбекского народа – шелководстве. Рассмотрены изменения, произошедшие в производстве шелка в конце XIX – начале XX веков в Туркестане, на основе материалов периодической печати.

***Ключевые слова**: шелководство, периодическая печать, экономика, семена, шелковичный кокон, внутренняя и внешняя торговля.*

The article deals with the traditional type agricultural life in the uzbek families – silkworm breeding. On the basis of materials of mass media it considers the changes which have taken place in processing silk during the 19th -20th centuries in Turkestan.

***Keywords:** Turkestan , sericulture, the press, the economy, silkworm, cocoon, foreign and domestic trade.*

Ипакчилик Ўрта Осиё аҳолиси қадимдан шуғулланиб келган хўжалик тармоқларидан бири ҳисобланади. Ипак маҳсулотлари ички ва ташқи савдода муҳим ўрин тутган. Ўлканинг табиий шароити ипак қурти учун қулайлиги, тутзорлар барпо қилиш учун суғориладиган ерларнинг мавжудлиги, аҳолининг ўтроқ ҳолда яшаши ушбу соҳа ривожига сабаб бўлган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳам ипакчилик Туркистон ўлкасининг иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Ипак матоларга талабнинг катталиги ўлка иқтисодий ҳаётида ушбу соҳанинг барқарорлигини таъмин этган. 1860-йилларда Туркистон ўлкасида ипакчилик билан деҳқон хўжаликларининг 40 фоизи банд бўлгани ўша даврда ушбу хўжалик тармоғининг ўрнини кўрсатади. Ўрта Осиёнинг 1860-йилларда йиллик пилла етиштириш ҳажми 6500 тоннани ташкил этган. Бу эса Туркистон ипагини Россия ва Ҳиндистон, Эрон ва бошқа кўплаб мамлакатларга экспорт қилиш имконини берган.

Маълумки, даврий матбуот давр кўзгусидир. XIX асрнинг 70-йилларида ўлкада матбуот пайдо бўлиши билан унинг саҳифаларида турли соҳаларга оид масалалар кенг ёритила бошлади. Жумладан, Туркистон даврий матбуотида пиллачилик соҳасига доир масалаларга ҳам алоҳида ўрин берилган. Айниқса, матбуот саҳифаларида пиллачилик соҳасида амалга оширилган ишлар ҳақида кенг маълумот бериб боришга ҳаракат қилинади. Масалан, “Туркестанские ведомости” газетаси ўлкада пиллачилик маҳсулотлари сифатини яхшилаш мақсадида ипак қурти уруғи тайёрлайдиган станция ташкил этилгани ҳақида хабар беради. Мазкур станция ипак қурти уруғининг хорижий навларини ўлкага киритиш устида самарали ишларни амалга ошириб, бир қанча хорижий навлар (хусусан, Италия, Франция, Япония, Хитой давлатларнинг турли ипак қурти навлари) устида тажриба олиб боргани таъкидланади [1]. Мақола таҳлилининг кўрсатишича, энг нозик ипак берадиган нав Хитой ипак қурти, аммо уни боқиш анча мураккаб эди. Туркистон шароити учун “корсика” нави кўпроқ тўғри келган сабабли шу нав уруғини сотиб олиш ва етиштириш кенг тарғиб қилинган. Мақолада қайд этилишича, Марғилон, Самарқанд шаҳарларида станциянинг филиаллари ташкил этилган. Маҳаллий солиқлар ҳисобига ташкил этилган бу станцияларда аҳолига ипак қурти уруғи бепул тарқатилган [2].

Давр матбуотида пиллачилик соҳасида тадбиркорлар амалга ошираётган ишлар ҳам эътибордан четда қолмаган. “Туркестанские ведомости” газетаси чоп этган бошқа бир мақолада қайд этилишича, корсикалик хусусий тадбиркор Алоизи дастлаб Самарқанд вилоятининг Хўжанд уездида, кейинчалик Қўқонда “пиллачилик мактаби” ташкил этган [3]. Алоизи чет элдан ипак қурти уруғини олиб келган, кейин бу мактабда мутахассислар томонидан тайёрланган пилла қурти уруғини маҳаллий аҳоли орасидан ишончли кишиларга тарқатиб, ўзи уларнинг ишини назорат қилиб турган, етиштирилган пиллани улардан сотиб олиб, қуритиб, хорижга жўнатган.

Газеталарда Туркистонга хориждан келтирилган ипак қурти уруғи ва ўлкадан четга олиб чиқиб кетилган пилла миқдори ҳақида ҳам маълумот бериб

борилган [2]. “Туркестанские ведомости” 1907 йилда хабар қилишича, Туркистондан хорижга ҳар йили 200.000 пуд пилла 3-4 млн. рублга сотилган, бундан ташқари, шунча миқдордаги пилла ички эҳтиёжлар учун, хусусан, шойи матолар ишлаб чиқаришга сарфланган [4,5]. Шунингдек, мақола муаллифи ўлка пиллачилигидаги аҳволни яхшилаш масаласини кўтариб, ўлкада етиштирилаётган пилла қурти уруғининг сифатини яхшилаш, хориждан пилла қурти уруғини олиб киришни тугатиш, тадбиркорларга давлат томонидан ёрдам бериш учун субсидиялар ажратиш, пиллачилик муассасаларига тутзорлар учун ер бериш, Тошкент, Самарқанд ва Қўқон шаҳарларида пиллачилик корхоналари ташкил этиб, чет давлатларга пиллани (хом ашёни) чиқаришни тўхтатиб, шойи ипларни бевосита Москва фабрикаларига жўнатиш тавсия этилган. Таъкидлаш жоизки, бу даврда Москва фабрикалари ишлатадиган пилланинг ўндан бир қисмигина Россия империясида ишлаб чиқарилиб, эҳтиёжнинг қолган қисми четдан келтириладиган пилла ҳисобига қондириларди.

Матбуот Россия империясида етиштирилиб, хорижий давлатларга арзон нархларга сотилган пилла тайёр маҳсулот сифатида қиммат нархда қайтиб кириб келаётганига ўқувчи диққатини тортади. Хусусан, “Туркестанские ведомости” хабарига кўра, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида етиштирилган пилла хорижга, жумладан, Франциянинг Марсель ва Лион шаҳарларига жўнатилган пилла ипак ип сифатида яна Туркистон бозорларга қайтиб келган. Масалан, 1910 йилда Россиядан хорижий давлатларга 5 миллион рублдан ошиқроқ нархда 130 минг пуд пилла хом ашёси чиқарилган бўлса, 26 млн. рублга 147 минг пуд ипак ип киритилган эди. Молия бўйича мутахассис бўлган мақола муаллифи Пересвет Россиянинг экспортини кўпайтириб, импортини камайтириш зарурлиги ҳақида қайғурган [6]. Яна шу газетада ёзилишича, «Туркистон ўлкасини Россия босиб олган пайтда бу ерда пиллачилик яхши ривожланган бўлиб, ҳар йили 100 минг пуд ипак тайёрланиб, унинг 20 минг пуди Россияга жўнатилар эди».

Бошқа бир газетадаги мақолада XX аср бошида дунё бўйича тахминан 14 миллион пуд пилла хом ашёси етиштирилса, Россия империясида 320 минг пуд пилла етиштирилгани ва шундан 250 минг пуди Туркистондан экспорт қилингани, яъни пилланинг асосий қисмини ўлка аҳолиси етиштириб бергани таъкидланади. Мақолада Туркистон пиллачилиги иқтисодиётда муҳим аҳамиятга эга бўлса-да, давлат томонидан унга жуда кам эътибор берилаётгани қайд этилган [8].

Матбуот саҳифаларидаги мақола ва хабарлар таҳлилининг кўрсатишича, бу соҳадаги энг асосий муаммолардан бири пиллачилик билан шуғулланувчиларни соғлом ипак қурти уруғи билан таъминлаш масаласи эди. “На рубеже” газетасида чоп этилган мақолада кўрсатилишича, ўлкада фаолият юритган 4 та ипак қурти уруғи етиштирувчи станцияда 10 йил мобайнида етиштирилган ипак қурти уруғи ўлканинг эҳтиёжини умуман қондира олмаган [6].

Ўзбек тилидаги газеталарда ҳам пиллачиликнинг энг асосий муаммоси сифатли ипак қурти уруғини етказиб бериш экани эътироф этилган. Чунончи, 1913 йилда “Туркистон вилоятининг газети” таъкидлашича, Туркистонда жуда қадимдан ривожланиб келган бу соҳа илмий билимлар етишмаслиги сабабли оқсаб қолган [7]. Айниқса, сифатли ипак қурти уруғини тайёрлаш ишлари анча орқада қолган, бозорларда сотилаётган уруғнинг эса аксарият қисми сифатсиз бўлиб, пиллачилик ишларига ниҳоятда кўп зарар келтирган [9].

Жадид матбуоти ҳам ўлкада пиллачилик соҳаси инқирози сабабларини таҳлил этишга ҳаракат қилиб, хусусан, “Садои Фарғона” газетасининг бир нечта сонида бу ҳақида маълумот берилади [9]. Пилла етиштиришнинг камайишига сабаб: биринчидан, ипак қурти уруғининг сифатсизлиги, иккинчидан, етиштирилган пиллани сотиш муаммоси, яъни бозорда ва фирмаларга арзонга сотилиши ҳамда деҳқонларнинг талон-тарож қилинишида, деб ҳисобланган. Мақолалардан бирининг муаллифи Ашурали Зоҳирий мазкур муаммонинг ечимини ҳам таклиф этган. Жумладан, пиллани ипак нархига қараб баҳолаш*, иккинчидан, бозор чиқимлари учун пилла бермасдан, пул тўлаш, учинчидан, бошқа деҳқончилик маҳсулотларини сотишдаги каби олиб келинган вақтда пиллани ушлаб ўтирмасдан сотиш орқали муаммоларни ҳал қилиш мумкинлиги қайд этилади [9].

Хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон матбуотида ўлка иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин туган пиллачиликнинг аҳволи, бу соҳада рўй берган ўзгаришлар ва муаммолар ҳақида хабар ҳамда мақолалар эълон қилиб борилган. Бундан мақсад биринчи ўринда Россия империяси хазинасига етказиб берилаётган пилла миқдорини янада кўпайтириш ва ундан олинадиган даромадни орттиришдан иборат эди. Шунга қарамасдан, бу даврда ўлкада дастлабки ипак қурти уруғини етиштириш станциялари ташкил этилиб, улар томонидан дунёнинг турли мамлакатларидан соғлом уруғ намуналарини олиб келишга ҳаракат қилинди. Матбуот саҳифаларида пиллани хом ашё сифатида хорижий давлатларга арзон сотиб, тайёр ипак маҳсулотлари қимматга сотиб олинаётгани катта муаммолардан бири экани қайд этилди. Соҳадаги катта муаммолардан яна бири соғлом ипак қурти уруғи тайёрлаб, аҳолига етказиб бериш масаласи экани ҳам даврий матбуот саҳифаларида таъкидланган эди.

* Ипак 70-75 руб.турса, пилланинг чаксаси 7-7,5 руб.бўлиши керак (чакса 12,5 қадоқ, 1 қадоқ 344,4 граммга тенг).

Адабиётлар:

1. Вилькинс А. Несколько слов о гренажных станциях Туркестана // ТВ. – 1889. – №12.
2. Г-н. Шелководство в Туркестанском крае // ТВ. – 1907. – №46, 48, 49.
3. Туркестанские ведомости. – 1894. – №1
4. Пересвет. Финансово-экономические проблемы. Экспорт и импорт // ТВ. – 1915. – №161.
5. Пересвет. Роль Туркестана в борьбе с иностранным импортом // ТВ. – 1915. – №164.
6. Шелководство в Туркестане // На рубеже. – 1910. – №278.
7. Туркистонда ипакчилик тўғрисида // Туркистон вилоятининг газети. – 1913. – №91.
8. Муҳаммад Одил. Пилла кам тутилмоғининг сабаби // Садои Фарғона. – 1914. – №12;
9. Ашурали Зоҳирий. Пилла кам тутилмоғининг сабаблари // Садои Фарғона. – 1914. – №15, 16, 17.

ЎзР ФА Тарих институти
Фарғона давлат университети
2016 йил 16 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Исомиддинов)